O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 8 май, шанба • №38 (11.633) • Эркин нархда сотилади

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

## ХОТИРА — МУҚАДДАС, ҚАДРЛАШ ШАРАФ!





Ержебой БОТИРОВ олган суратлар.

*Ватан фидойиларини эслаш ёш авлод қалбида она-Ватан учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиб, уларга янги бунёдкорлик ишларида куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилади.*

*Бугунги кунда мамлакатимиз ўз истиқболи сари дадил ва ишонч билан қадам ташламоқда. Бу йўлда бизга улуғ аждодларимиз руҳи мададкор бўлаётир. Пойтахтимизда барпо этилган Хотира майдони бизни ҳамиша ана шундай эзгу ва хайрли ишларга чорлаб туради.*

***(Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган мақолаларни 2-3-саҳифаларда ўқийсиз).***

## ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

***Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳлари ва фронт ортидаги фаолият давомида вилоятимиз аҳли ҳам юксак мардлик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатишган.***

Уларнинг кўрсатган жасорати ва фидойилиги бугунги авлод томонидан қанчалик шарафланиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилса, арзийди. Шундай қилинмоқда ҳам. Вилоятимиз ҳудудида 3500 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари бўлган кексалар истиқомат қилиб, уларга шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхоналар ва жамоат ташкилотлари томонидан совғалар ҳозирланиб, дастурхонга таклиф этилмоқда.

Куни кеча Тошкент вилоят ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан 9-май Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларининг катта бир гуруҳига байрам совғалари топширилди. Уларни «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нўъмон Насимов топшириб, барча фахрийларни байрам билан муборакбод этди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Т.И.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Туробжон Икромович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 7 май.

***Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.***

### ШОИР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фанлар академияси вице-президенти Тўра Мирзаев бошқарган мазкур анжуманда таниқли адабиётшунос олимлар – филология фанлари докторлари Наим Каримов, Нўъмон Раҳимжонов, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева ва бошқалар истиқлол даври ўзбек шеъриятида Муҳаммад Юсуф ижодининг ўрни, унинг халқона руҳ билан йўғрилган шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритдилар.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Бугуннинг гапи

## СУРЪАТ ВА СИФАТ ТЕХНИКАГА БОҒЛИҚ



***Бу йил вилоятимиз бўйича 135 минг гектар майдонда, жумладан, 115 минг гектар суғориладиган ва 20 минг гектар лалми ерда етиштирилаётган ғаллани қисқа фурсатда сифатли ўриб-йиғиб олиш учун алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Мавсумда ишлатиладиган 402 та комбайн, 311 та юк автомашинаси, 1175 та бошқа турдаги транспорт воситалари ҳозиргача ғалла ўримига тахт қилиб қўйилди. Бу ишларга 1 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.***

Вилоят ғаллазорларида ҳосил тўпланишини мунтазам кузатиб бораётган мутахассисларнинг фикрига қараганда бу йил дон одатдагидан қарийб 8-10 кун эрта пишиб етилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, ўрим-йиғимга тайёргарлик ишлари ҳам барвақт бошлаб юборилди. Энг муҳими ўрим мавсумида ишлатиладиган техника воситаларини таъмирлаш, созлаш тадбирлари аниқ мақсад ва режа асосида ташкил этилди. Шуни таъкидлаш жоизки, таъмирталаб комбайн ва бошқа техника воситаларини керакли эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва созлаш учун зарур бўладиган маблағлар манбаини излаб топиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Натижада ҳар йили ушбу тадбирларга ўртача 300 миллион сўм атрофида маблағ сарфланиб келинган бўлса, бу йил 1 миллиард сўмга яқин маблағ излаб топишга муваффақ бўлинди.

Шу муносабат билан ўрим-йиғим мавсумига тайёргарлик ишларини назорат қилишга ҳам ўзгача ёндошилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ ўз фаолиятини икки босқичда ташкил этди. Биринчи босқичда техникани ўрим мавсумига тайёрлаш ишларининг ташкил этилиши ва олиб борилиши қатъий назорат остига олинди. Иккинчи босқичда таъмирдан чиқарилган техникаларни синовдан ўтказиш ва тайёрлик чизиғига қўйиш жараёнлари кузатиб борилди.

Юқорида таъкидланганидек, тайёргарлик жараёнида фақат «Кейс» комбайнларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва созлашнинг ўзига 402 миллион сўм маблағ сарфланди. 52,2 миллион сўмлик бутловчи қисмлар, яъни шина, аккумулятор, тасма, 7 миллион сўмликдан зиёд мойлаш материаллари етказиб берилди. Бир сўз билан айтганда, тайёргарлик ишлари аниқ режа асосида олиб борилгани, жойларда таъмирловчиларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани, таъминотда узилишларга йўл қўйилмагани, айниқса, раҳбар ва мутахассислар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларга масъулият билан муносабатда бўлганликлари сабабли бугунги кунга келиб, ўримда қатнашадиган 402 та комбайннинг ҳаммаси, шу жумладан, 182 та «Кейс» сўнгги синовдан ҳам ўтказилиб, ўримга шай ҳолга келтириб қўйилди. Бундан ташқари вилоят қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда туманларнинг МТПлари томонидан жами 311 та юк автомашиналари, 1100 та транспорт тракторлари тиркамалари ва 75 та дон тозалаш машиналари ҳам ўрим мавсумига тайёрлаб қўйилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ўрим-йиғим ишларини ташкил этиш тамойиллари ҳам пухта ўйлаб тузилган. Хусусан, комбайнлар ва бошқа техника воситаларининг тўхтовсиз ва юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича 21 та кўчма устахона, 23 та кўчма ёнилғи қуйиш агрегати ташкил этилади. Улар ўрим-йиғим ишлари олиб борилаётган далаларнинг ўзида техник хизмат кўрсатади. Шу мақсадларда ҳар йилгидан фарқли ўлароқ 33,4 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар, 22 миллион сўмлик резинотехника ускуналари, 3 миллион сўмликдан зиёд мойлаш материаллари қўшимча тайёрлаб қўйилди.

Бу йилги мавсумда ўрим-йиғимга жалб этилган комбайнчи, механизатор, ҳайдовчи ва бошқа ёрдамчи ходимлар учун қулай иш ва дам олиш шароитларини яратиб бериш ҳам олдиндан режалаштириб қўйилди. Чунончи, 97 та кўчма дам олиш хоналари бутун мавсум давомида улар хизматида бўлади. Ўрим қатнашчилари гуруҳларга бўлингани ва ҳар бир комбайнга икки нафар оператор бириктирилгани боис улар вақтида дам олиш ва юксак унум билан ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят далаларида етиштирилган мўл ғалла ҳосилини қисқа муддатда, нес-нобуд қилмай ўрибянчиб олиш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Эндиги вазифа ўрим-йиғим ишларини оқилона ташкил этиш ва уюшқоқлик билан олиб боришдан иборатдир.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

Танлов

# ЭНГ САВОДЛИ ИСТЕЪМОЛЧИ

*"Зарафшон" киноконцерт залида ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида энг саводли истеъмолчи унвони учун республика танлови бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этди.*

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад болаларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиги тўғрисидаги билимларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқий ва истеъмолчилик маданиятини ошириш борасидаги ишларни фаоллаштиришдир.

Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган мазкур танловда ўрта мактабларнинг жами 250 мингдан ортиқ 9-11-синф ўқувчиси иштирок этди. Улардан биринчи ва иккинчи ўринни эгалланган 28 нафари якуний босқичда қатнашди.

Танловнинг деярли ҳамма иштирокчиси истеъмолчи ҳуқуқлари бўйича яхши билимга эга эканини намойиш этди. Бу эса ҳайъат аъзоларига ғолибларни аниқлашда қийинчилик туғдирди. Биринчи ўринни эгалланган Сирдарё вилояти вакили Ҳилола Султоновага замонавий компьютер, иккинчи ўрин соҳиби пойтахтлик мактаб ўқувчиси Игорь Пряхинга рангли телевизор, учинчи ўринни эгаллаган наманганлик Ноила Умаровага видеомагнитофон топширилди.

Тошкент вилояти вакили Нодир Қаҳҳоров "Энг саводли ёш истеъмолчи" йўналишида қимматли совға билан тақдирланди. 10 киши "Энг яхши ташкилотчи" унвонига сазовор бўлди.

**ЎзА.**

Анжуман

# МАТБУОТ ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

*Сайлов компаниясида ташвиқот ва реклама — Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ҳамда сайлов тизими муаммоларини ўрганиш лойиҳалари доирасида Тошкентда ўтган семинар-тренингда шу муаммолар теварагида фикр юритилди.*

Унда мамлакатда фаолият кўрсатаётган беш сиёсий партия ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Асосий эътибор сайловолди ташвиқотларида Ўзбекистоннинг сайловлар ҳақидаги қонунларини тарғиб этишга қаратилиб, машғулот тренинг интерактив услубда, техник воситалардан кенг фойдаланилган ҳолда ташкил этилди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

# БУ МАВЗУ ҲАМИША ДОЛЗАРБ

*Оммавий ахборот воситаларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни бошқариш билан боғлиқ бўлган асосий мавзулари нималардан иборат бўлиши керак?*

Журналистлар ва экологларнинг навбатдаги давра суҳбати шу масалага бағишланди. Уни АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (NRMP/USID)нинг Марказий Осиёдаги табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича Дастури ва Тошкент «Яшаш муҳити» ахборот маркази (ННО) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Правда Востока» газетаси таҳририяти иштирокида ташкил этдилар.

Тадбирда турли қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ва лойиҳалар, табиатни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Анжуманда Тошкент «Яшаш муҳити» ахборот маркази томонидан «Правда Востока» газетаси таҳририяти ва республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этилган «Фақат муҳит ҳақида ёзамиз» экологик альманахнинг тақдимоти бўлди.

Журналистлар ва экологлар «Правда Востока» газетасининг бош муҳаррири Бахтиёр Ҳасановнинг «Фақат муҳит ҳақида ёзамиз» альманахи мисолида экологик ахборотларга талаб, NRMPнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича тажрибаси, республика давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қатор бош бошқармалари раҳбарларининг атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мавзуларидаги чиқишларини тингладилар. Шундан сўнг журналистлар ва экологлар ўртасида табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган чиқишларнинг мазмунини бойитиш, таъсирчанлигини ошириш, уларнинг ҳар томонлама ҳаққоний бўлишига эришиш, икки ўртадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва бошқа шу каби муҳим масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



# ХОТИРА

***Хотира ва Қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни кўзда тутамиз. Бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, азиз ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.***

***Ислом КАРИМОВ.***

# ШУКРОНА

*Ҳар тонгда ўрнимдан туриб, яратганга шукроналар айтаман. Чунки, биз мустақил, обод ва озод, тинч ва осуда мамлакатда яшаяпмиз. Мана шу шукуҳли кунларнинг қадрига етайлик, уни асраб-авайлайлик!*

Яқинда маҳалламиздаги 17-ўрта мактабга таклиф қилишди. Ана шу учрашувда мен ўқувчи болаларимга уруш асоратлари, унинг жабру ситамлари хусусида гапириб бердим. Илоҳим юртимиз тинч, хонадонларимиз ободлиги бардавом бўлсин, уруш асоратларини биз кексалар кўрдик, энди сизлар ундай ёмон кунларни асло кўрманглар, дея дуо қилдим.

Назаримда она юртга бўлган муҳаббат, миллий ифтихор, одамлар қалбидаги нозик ва муқаддас, азиз ва сўнмас бир туйғудир. Ана шу туйғуни асраганларгина, адолат ва ҳаққониятни севган, уни ҳар нарсадан устун қўя олганларгина ҳар ишда ғолибдирлар.

Мен беш йил қон кечиб, Белоруссия фронтида, япон урушида қатнашдим. Не-не мард йигитларимизнинг ўққа учганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Уруш асоратлари хотирамда шундай муҳрланиб қолганки, уни қандай унутишни, унга қандай муносабат билдиришни ҳанузгача билолмайман. Ҳарқалай, урушнинг оти ўчсин, тинч хотиржам кунларимизнинг қадрига етайлик. Баъзилар ўйлаганидек, уруш ўйинчоқ эмас, уруш бу қирғин, вайронагарчилик дегани.

Насибам узилмаган экан, она юртимга омон-эсон, ғалаба билан қайтиб келдим.

Узоқ йиллар «Халқобод»да раҳматли Усмон Юсупов бошчилигида бош ҳосилот бўлиб ишладим. Турмуш ўртоғим Осиёхон билан умргузаронлик қилиб, уч ўғил, икки қизни вояга етказдик. Фарзандларимнинг ҳаммаси ўқимишли, элу юртига камарбаста. Бир этак невараларнинг бобосиман. Кексалик гаштини суриб, уларни дуо қилиб юрибман.

Ҳар сафар ёшлар билан учрашувларда ана шулар ҳақида қайта-қайта гапираман. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, куюнчакликлари, биз кексаларни қўллаб-қувватлашлари, қилаётган ғамхўрликлари яшашга, меҳнат қилишга, истиқлолимизни кўз қорачиғидек ардоқлашга ундайди.

**Аҳмаджон УМАРОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси,**
**Янгийўл шаҳри.**

*Ангрен шаҳрида ҳам Меҳрмурувват йилига бағишланган тадбирлар кўлами 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан янада кенгайди.*

# ФАЙЗЛИ УЧРАШУВ

Куни кеча шу мақсадда шаҳардаги Охунбобоев номли маданият ва истироҳат боғига кексалар бир пиёла чой устидаги гурунгга таклиф этилдилар. Юртнинг жасур ва фидойи ўғлонлари шарафланган бу йилги байрам шодиёнасининг тўкин ва серфайз ўтишида шаҳардаги «Саноатқалинқогозсавдо» ҳиссадорлик жамияти, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси, Ангрен кўмир кони ва 9-кон сингари ўнлаб корхона-ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Мунаввара ИСАҚУЛОВА.**

# ШЕРМАТОВ

*Пойтахтнинг Сирғали туманидаги янги қурилган кўп қаватли уйлардан ташкил этилган маҳаллалардан бирига Абдураҳим Шерматов номи қўйилган. Яқинда бу ерга янги кўчиб келиб, истиқомат қилувчилардан Абдураҳим Шерматов ким бўлган экан, деган сўзларни эшитиб, бу киши ҳақидаги хотираларимни қоғозга туширишга аҳд қилдим.*



Бундан йигирма беш йил аввал Тошкент халқа йўли бўйлаб шимолий-ғарб томонга Қўйлиқ даҳасига бораверишда, чап томондаги катта даланинг ўртасида савлат тўкиб турган шинамгина бинода бўлганман. Бу Абдураҳим Шерматовнинг дала шийпони эди.

Шийпон атрофидаги экин майдонлари узоқ-узоқларга чўзилиб кетган. Далаларда сабзавот экинлари етиштириларди. Бу ерда эътиборни тортган нарса далада бегона ўт йўқ эди. Буни отам менга қараб: «ерни, экинни чопиқ қилганингда эринмасдан чуқур чопсанг бегона ўт ўсмайди», деб изоҳлардилар. Шунда бир отахоннинг «экиннинг чети чиройли бўлса, ўртаси ҳам чиройли кўринади» дегани бир-бир кўнглимдан ўтарди. Ҳозир эса, барча ишлар юқори агротехника усулида бажарилаётгани яққол кўзга ташланиб турипти. Шийпон ёнида мана шундай хаёллар билан атрофни кузатиб турсам бригадир велосипедини миниб келиб қолди. У олтмиш ёшга бориб қолган бўлса-да, ҳаракатлари ва сўзларидан ҳали бардам, пишиқлиги, ғайратлилиги сезилиб турарди. Саломаликдан сўнг Абдураҳим ака билан суҳбатимиз қизиди. Унинг қувонч билан дастлабки берган маълумоти, ўша пайт апрель ойи эди, бригадаси йиллик режасини бажарган тўғрисидаги хабар бўлди. Даламизда яна бир йиллик режадан ортадиган ҳосил бор. Маҳсулотларимиз фақат сархил. Бозорларда, сабзавот дўконларида туриб қолмайди.

— Дўкондорлар бизга келишиб, буюртма бериб кетишади, — дерди камтарлик билан. — Энди йил охиригача фойда кўриш ҳисобига маҳсулот сотамиз. Мен шу ерларда ишлаётганимга 40 йилга яқинлашиб қолди...

Бу жойларнинг номини қадимдан Қўшкўрғон дейишган. Илгари пайтда фақат иккита қўрғон бўлган, ҳозир бу жойда замонавий уйлар қад кўтарган, ҳамма уйлар газлаштирилган. Бундай меҳнат эл эътиборини ўзига қаратди. Республика ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди.

# МУҚАДДАС, ҚАДРЛАШ — ШАРАФ!

## Ёдга олгин ўтган кунларни

*Ёдга олгин ўтган кунларни,*
*Сен бугуннинг қадрин билгайсан.*
*Тонгга улаб узун тунларни,*
*Янги кунга таъзим қилгайсан.*

*Хотираси азиз инсоннинг,*
*Тиригида бир бор эслаб қўй.*
*Қадрига ет, ҳар лаҳза, оннинг,*
*Ўткинчидир мансаб, катта тўй.*

*Юрагимдан уздим гулдаста,*
*Ёдга олиб мангулик номин.*
*Қўлни очиб дуога аста,*
*Аждодларим ҳаққига омин.*

*Қадринг аён, ёруғ кундуздай,*
*Хаёлимдан ўчмассан сира.*
*Дил кўкида олис юлдуздай*
*Мангу ёниб турсин хотира.*

**Аширали БОЙМУРОДОВ.**

## ТОЛЕИ БАЛАНД ЁШЛАРМИЗ

***Барча изланувчан ўғил-қизлар қатори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасини диққат билан ўқиб чиқдим.***

Унда бизга билдирилган ишонч, албатта, ўзига хос масъулият ҳам юклайди. Зеро, ҳарбий зобит бўлишга интилишимиз ортида ҳам она-Ватан тинчосудалиги ва ривожланишига ҳисса қўшиш мақсади турибди.

Аслида, истиқлолга ҳисса қўшмоқ дегани жамиятнинг бугунги сиёсий-маданий ҳаётида фаол қатнашиш демакдир. Фаолиятнинг туб мазмун-моҳиятини англаб етган, жаҳолатга қарши курашда маърифатни қурол қилаётган фуқароларни белгиланган мақсадлар йўлидан қандай қилиб оғдириш мумкин?



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ҳарбий билим юртимизда ҳам яқинда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида отахонлар ҳайрат ила ҳарбий либосларимизни силаб кўрганларида миллий армияда она-Ўзбекистон учун хизмат қилиш не чоғли ғурурли ва фахрли эканлигини, тинчлик-хотиржамликка тўла кунларнинг ҳар дақиқаси олтинга баробар эканлигини ҳис этдим.

Ҳақиқатан ҳам, тарихий манбалар гувоҳлигига кўра, кейинги юз йилликдаги турли салбий қарашлар натижасида Ўзбекистонда ҳарбий мутахассисларни етиштиришга эътибор қаратилмаган. Мустақиллик йилларида эса миллий армияни таркиб топтириш, уни малакали кадрлар ва замонавий техника билан таъминлаш борасида мисли кўрилмаган ўзгаришларга қўл урилмоқда. Бугунги кунда минглаб Ўзбекистон ёшлари ҳарбий масканларда билим олиш, замонавий техника, тактика ва назариялар билан танишиш, тинчлик йўлида ҳамкорликдаги халқаро ўқув машғулотларида қатнашиб, етук малакали мутахассислар бўлиб етишиш имконига эга бўлдилар. Ваҳоланки, булар яқингинада кўплар учун етиб бўлмас орзудек гап эди.

Яқин йилларда юртимиздан ҳам кўплаб матонатли ҳарбий соҳа мутахассислари етишиб чиқади. Бу, шубҳасиз, ўтказилаётган ислоҳотлар самараси ҳисобланади. Шу маънода XXI аср жаҳонга юзланиш, унинг фан-техника, маънавият ва қолаверса, иқтисодий ҳаётидаги иштирок бобида бизнинг давр бўлажак. Буни Ўзбекистон ёшлари ҳар соҳада эришаётган ютуқлар салмоғидан ҳам билса бўлади.

**Аъзам ШАРИПОВ,**
**Чирчиқ ҳарбий билим юрти 4-курс курсанти, кичик сержант.**

## МАҲАЛЛАСИ

— 1940 йилнинг декабри эди, — деб ҳикоя қилганди Абдураҳим ака ўшанда. — Мен армия сафига чақирилдим. Чегара қўшинларида хизмат қилишга тўғри келди. Ўшанда биз уруш қанақа бўлишини кўрдик. Жазирама иссиқ одамни қийнайди, чегара бетинч. Армия хизмати мардлик ва чидамлилик мактаби бўлган. Чегара хизмати мени чиниқтирди, жисмонан ҳамда маънан ўстирди. Урушдан кейин яна ўзимнинг жонажон, қадрдон даламда меҳнатни давом эттирдим. Бошқа деҳқонлар қаторида мамлакатимиз халқ хўжалигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш «сир»ларини ўрганаяпман. Дастлаб ҳисобчи бўлдим, кейин бригадирликка ҳам тайинландим. Бригадада уруш фахрийлари Маҳкам Мирзаев ва Ҳамидулла Нуъмонхўжаевлар ҳам ишлашади.

Фидойи деҳқон билан ушбу суҳбат бундан 30 йил бурун бўлиб ўтганди. Кейинчалик Абдураҳим Шерматовнинг номи бутун республикага ёйилди. У қишлоқ хўжалиги сабзавотчилигига муносиб ҳисса қўшиб, ўзига хос мактаб яратди. Барча қилган меҳнатлари самараси ўлароқ Абдураҳим Шерматов ўша даврда бир неча нуфузли давлат мукофотлари билан тақдирланганди. А. Шерматовдан ўз шогирдларига бой мерос – сабзавотчиликнинг сир-асрорлари, тажрибалари қолди.

Абдураҳим Шерматовнинг ўн икки фарзанди бор эди. Қаҳрамон она Фотима опа ҳам бир умр эрининг бригадасида меҳнат қилди. Ўғил-қизларининг катталари олий ўқув юртларини битириб, турли соҳаларда ўз мутахассисликларини эгаллашди. Бу оиланинг болалари меҳнат тарбиясини олиб улғайди.

Меҳнати эвазига элда обрў топган Абдураҳим Шерматовнинг 12 фарзандидан 48 невара, 31 чевара, бир эвара дунёга келди. Ҳозир улар 92 нафарга етди. Тўрт ўғли ва икки невараси жамоа хўжалигида ота касби — деҳқончиликни давом эттирмоқда. Бу эса, меҳнатнинг орқасидан эришган даромаднинг самараси эди.

Кейинги вақтда пойтахт шаҳри шимолий-шарқ томонга кенгайди. Абдураҳим Шерматов бригадаси деҳқончилик қиладиган ерларнинг бир қисми шаҳар ҳудудига ўтиб, кўп қаватли турар-жой бинолари қурилди.

— Биз бу ерга ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида кўчиб келдик, — дейди бу ерда ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Шоолим Абдувасилов. — Абдураҳим ака бизларга ғамхўрлик кўрсатиб, тўй-маъракаларимизда бош-қош бўлардилар. Доим бамаслаҳат иш юритдик, кам бўлмадик.

— Биз шу жойдаги маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, маҳалламиз номини бу ерга янги кўчиб келганларни очиқ чеҳра билан кутиб олган, уста деҳқон, намунали оила бошлиғи, ажойиб инсон Абдураҳим Шерматов номи билан аташга қарор қилдик. Шунингдек, мана шу ҳудудда қурилган 266-мактабга ҳам А. Шерматов номи берилди.

Ҳа, бу азиз инсон ҳамиша барҳаёт, эл-улус хотирасидан сира ўчмайди.

**Йўлдош МАНСУРОВ.**

***Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқларимизда ўз меҳнатлари билан юрт ободлиги ва маъмурчилигига муносиб улуш қўшган кекса авлод вакилларини — иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнатчилари, тикланиш йиллари зарбдорларига эҳтиром ва ҳурмат кўрсатиш, уларни эъзозлаш ва тақдирлаш тадбирлари давом этмоқда.***

### ЯНГИЙЎЛ:

Шаҳар ҳокимлиги «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун байрам тадбирини ўтказди. Унда 145 нафар фахрийлар учун дастурхон тузалиб, ўзбекона ош тортилди. Шу куни бемор ётган кексаларнинг ҳолидан ҳам хабар олинди. Шунингдек, кам таъминланган оилалардаги 100 нафар қарияга совға-саломлар улашилди.



### ОҚҚЎРҒОН:

Меҳр ва мурувват йили ҳамда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Оққўрғон туманида қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, туман маҳаллаларида уч авлод учрашувлари ўтказилмоқда.

Уларда нуронийлар ўзларининг ҳаёт тажрибалари, ундаги пасту баландликлар ҳақида ёшларга сўзлаб, уларни сабрли бўлишга, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай тўсиқларни қатъият билан енгиб ўтишга даъват этмоқдалар.

Туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» хайрия жамғармалари ҳамкорлигида 50 га яқин боқувчисини йўқотган ва ногирон кексаларни йўқлаб, уларга совға-саломлар топширилди.

Бугун 200 нафар фахрийлар учун катта дастурхон ёзилади.

### ПАРКЕНТ:

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан полвонлар юрти бўлмиш Паркентда бугун республика миқёсида «Катта кураш» мусобақаси ташкил этилади. Ушбу республика биринчилигига туман ҳокимлиги ташаббускорлик кўрсатаётган бўлиб, у «Қўшчинор» номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади. Байрам куни эса, мусобақанинг туман биринчилиги ўтказилади. Марҳум полвонлар хотираси ёдга олинади. Уларнинг оила аъзоларига ҳомий хўжалик ҳамда ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари тақдим этилиши кўзда тутилган.

### БЕКОБОД:

Тумандаги «Зафаробод» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи эъзозли отахон ва онахонлар байрам муносабати билан ҳудуддаги 6-умумтаълим мактабига тўпланишди.

Тўкин дастурхон атрофида эл-юрт учун жон фидо қилган барча мард инсонлар хотирасига тиловат қилинди. 60 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига туман ҳокимлиги ҳамда «Жабборов» фермер хўжалигининг байрам совғалари топширилди.

Байрам шарафига спортнинг кураш, футбол, енгил атлетика турлари бўйича мусобақа ташкил этилди. Ғолиблар мукофот ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

### ТОШКЕНТ:

Муҳаммаджон Фозилов номли ширкат хўжалигида бўлиб ўтган тантанага шу ерда истиқомат қилувчи фахрийлар таклиф этилиб, улар Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги хотираларини ёшларга сўзлаб беришди.

Фахрий отахон ва онахонлар учун мумтоз куй-қўшиқлар ижро этилиб, дил изҳорлари билдирилди ҳамда ҳалим тортилди. Шу куни хўжалик ҳудудидаги 4-умумтаълим мактаби спорт залида 6-17-ёшли ўғил болалар ўртасида туман ҳокими кубоги учун каратэ бўйича учинчи анъанавий турнир ҳам бўлиб ўтди. Унда тумандаги спорт ва умумтаълим мактабларининг 190 нафар ўқувчиси ғолиблик учун кураш олиб борди. Беллашувлар натижасига кўра, 2-БЎСМ ёш каратэчилари умумжамоа ҳисобида 1- ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритишди.

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ОАЖ акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2004 йил 11 июнь куни соат 11 да холдинг компанияси мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати (реестри) 2004 йил 11 май ҳолатига кўра тузилди.

**Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. *Кузатув кенгаши раисининг 2003 йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботи.*
2. *«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси бошқарувининг 2003 йилги иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ва компаниянинг 2004 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.*
3. *Холдинг компаниясининг устав фондини ошириш, низомига ўзгартиришлар киритиш ва янги эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида.*
4. *«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг 2003 йилги бухгалтерлик баланси, фойда, зарарларини ҳамда компаниянинг 2004 йилги харажатлар сметасини тасдиқлаш.*
5. *Олинган фойдани Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июлдаги 363-қарорига мувофиқ холдинг компаниясининг қайта тиклаш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўғрисида.*
6. *Қимматли қоғозлар бўйича 2 ЦБ шаклидаги 2003 йил ҳисоботини тасдиқлаш.*
7. *«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг 2003 йилги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*
8. *«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг 2003 йилги фаолияти бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.*
9. *«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ОАЖ компаниясининг 2004 йилги ташқи аудиторини тасдиқлаш.*
10. *Бошқарув раиси билан ишга ёллаш шартномаси муддатини бир йилга узайтириш.*
11. *Бошқарув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш.*

Умумий йиғилишни ўтказишга доир ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 144-49-93, 144-49-96.

*Кузатув кенгаши.*

# Годовой отчет ОАО ХК «Узплодоовощвинпром-холдинг» за 2003 год

## 1. Общие сведения

| Наименование | ОАО ХК «Узплодоовощвинпром-холдинг» |
|---|---|
| Почтовый адрес | 700011, г. Ташкент, ул. Абая, 6 |
| Телефон | 144-27-56 |
| Руководитель | Аюпов Азимжон Миргиясович |
| Наименование реестродержателя | Ведется самостоятельно |
| Депозитарий | Центральный депозитарий |
| Аудитор | «Осиё Аудит» Лицензия № 510 от 19.09.1998г. |

## 2. Бухгалтерский баланс

| Наименование показателей | № стр. | На конец отчетного периода | Наименование показателей | № стр. | На конец отчетного периода |
|---|---|---|---|---|---|
| **АКТИВ** | | | **ПАССИВ** | | |
| **1. Долгосрочные активы** | | | **1. Источники собственных средств, в том числе** | | |
| **Основные средства** | | | Уставный капитал | 330 | 5604 |
| По первоначальной (восстановительной) стоимости (01, 03) | 010 | 1551634 | Добавленный капитал | 340 | - |
| Износ (02) | 011 | 435576 | Резервный капитал | 350 | 726480 |
| Остаточная стоимость (010-011) | 012 | 1115977 | Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) | 360 | 315709 |
| **Нематериальные активы:** | | | Целевые поступления и фонды | 370 | 11633149 |
| По первоначальной стоимости | 020 | - | Резервы предстоящих расходов и платежей | 380 | 147190 |
| Износ | 021 | - | **Итого по разделу I** | 400 | 12828082 |
| акции в дочерних предприятиях | 040 | 135252 | **II. Обязательтсва в том числе:** | | |
| Займы, предоставленные дочерним предприятиям | 050 | 937452 | Долгосрочные займы | 410 | 937452 |
| Долгосрочные инвестиции | 080 | 6034358 | Долгосрочные кредиты | 420 | 50000 |
| Прочие активы | 100 | 200 | Краткосрочные займы | 430 | - |
| **Итого по разделу I** | 110 | 8223239 | Краткосрочные кредиты | 440 | - |
| **II. Оборотные активы в том числе:** | | | Кредиторы | 460 | 97300 |
| Производственные запасы | 120 | 45255 | Задолженность по бюджету | 480 | 5186 |
| Незавершенное производство | 130 | - | Задолженность по оплате труда | 490 | 9646 |
| Готовая продукция | 140 | - | Задолженность по внебюджетным платежам | 510 | 3315 |
| Расходы будущих периодов | 160 | - | Задолженность дочерним предприятиям | 520 | - |
| Денежные средства | 170 | 13137 | Прочие кредиторы | 540 | 79466 |
| Валютные средства | 180 | - | **Итого по разделу II** | 550 | 1084752 |
| Краткосрочные вложения | 200 | 5375742 | **Всего по пассиву баланса (390+540)** | 560 | 13912834 |
| Дебиторы: | 220 | 255461 | | | |
| Расчеты с бюджетом | 250 | 16625 | | | |
| Расчеты с дочерними предприятиями | 270 | 213811 | | | |
| Прочие дебиторы | 300 | 25025 | | | |
| **Итого по разделу II** | 310 | 5689595 | | | |
| **Всего по активу баланса** (110+310) | 320 | 13912834 | | | |

## 3. Информация о финансовых результатах ОАО (счет прибылей и убытков)

| Показатель | Доходы | Расходы |
|---|---|---|
| 1. Выручка от реализации продукции (услуг) | 28000 | X |
| 2. Налог на добавленную стоимость | x | 4867 |
| 3. Чистая выручка от реализации | 23333 | x |
| 4. Производственная себестоимость | x | - |
| 5. Валовой финансовый результат от реализации | 23333 | - |
| 6. Прочие операционные расходы и доходы от основной деятельности | 3708 | |
| 7. Финансовый результат (прибыль или убыток) от основной деятельности | 27041 | - |
| 8. Проценты по займам, полученным и выданным дочерним и ассоциированным предприятиям | 18515 | |
| 9. Курсовые валютные разницы | | |
| 10. Финансовый результат (прибыль или убыток) от общехозяйственной деятельности | 10208556 | |
| 11. Налог на доход (прибыль) | x | 41711 |
| 12. Прочие налоги и отчисления | x | 13348 |
| 13. Чистая прибыль (убыток) | 153497 | |

**«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси бўйича афилланган шахслар рўйхати**

**1-устун: Ф.И.О., 2-устун: Лавозими, 3-устун: Афилланган шахслар рўйхатига кирган санаси, 4-устун: Қимматли қоғозлар сони дона.**

| № | 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Набиев У. Н. | Кузатув кенгаши раиси | 2000 йил | 0 |
| 2 | Обидов М. О. | Кузатув кенгаши аъзоси | 2002 йил | 0 |
| 3 | Хабиев Ф. М. | Кузатув кенгаши аъзоси | 2002 йил | 0 |
| 4 | Файзиев Э. К. | Кузатув кенгаши аъзоси | 2003 йил | 0 |
| 5 | Салимов А. Х. | Кузатув кенгаши аъзоси | 2000 йил | 0 |
| 6 | Очилов М. К. | Кузатув кенгаши аъзоси | 1997 йил | 0 |
| 7 | Туйчиев И. Т. | Кузатув кенгаши аъзоси | 2000 йил | 0 |
| 8 | Аюпов А. М. | Компания бошқаруви раиси | 1999 йил | 0 |
| 9 | Юлдашев Б.Ю. | Компания бошқаруви аъзоси | 1999 йил | 0 |
| 10 | Кушаков Р. У. | Компания бошқаруви аъзоси | 2002 йил | 0 |
| 11 | Акбарходжаев Р. Ш. | Компания бошқаруви аъзоси | 2002 йил | 0 |
| 12 | Данияров З. Х. | Компания бошқаруви аъзоси | 2003 йил | 0 |
| 13 | Каримқулов Р. | Компания бошқаруви аъзоси | 2000 йил | 0 |
| 14 | Абдулазизов Ш. | Компания бошқаруви аъзоси | 2003 йил | 0 |
| 15 | Хамидов С. Х. | Компания бошқаруви аъзоси | 1997 йил | 0 |
| 16 | Киргизалиев К. | Компания бошқаруви аъзоси | 2004 йил | 0 |

## ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ

**Открытое акционерное общество Холдинговая компания «Узплодоовощвинпром-холдинг»** ***(полное наименование эмитента)*** **утвержден общим собранием акционеров от 3.10.03 г., зарегистрирован в Центре по координации и контролю за функционерованием ценных бумаг при ГКИ Республик Узбекистан 18.03.04 г. № Р0351-3**

Присвоен идентификационный номер **R U 1 0 3 P 0 3 5 1 T 5**

**Простые именные в безналичной форме в количестве 369923 штук**
**(вид, тип и количество акций)**

| Полное наименование участников-юридических лиц или Ф. И. О. участников-физических лиц | Местонахождение участников-юридических лиц или паспортные данные участников-физических лиц | Доля участника в Уставном фонде | |
|---|---|---|---|
| | | Кол-во в штуках | Доля в % |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Госкомимущество Республики Узбекистан | 700003, г. Ташкент, пр. Узбекистанский, 55 | 1408595 | 100 |

## 3. УСЛОВИЯ ПРЕДСТОЯЩЕГО ВЫПУСКА АКЦИЙ В ОБРАЩЕНИЕ

37. Условия предстоящего выпуска акций в обращение:

а) вид и форма акций выпуска: простые именные в безналичной форме

б) количество акций выпуска 369923 шт.

в) номинальная стоимость акции выпуска, сум. 10000

г) общий объем выпуска (по номинальной стоимости), сум 3699230000

д) права, предоставляемые каждой акцией выпуска: **согласно законодательства.**

е) способ размещения акции: **свободная доля акций выставляется на биржевые торги.**

ж) срок и порядок размещения акций: **в течение одного года** через биржевые торги

з) предполагаемая цена размещений акций: **цена определяется согласно решения владельца ценных бумаг - ГКИ Республики Узбекистан**

и) условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций: **оплата производится по перечислению на банковские счета Госкомимущества Республики Узбекистан**

к) орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата принятия: Общее собрание акционеров от 3.10.2003 г.

л) любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе эмитента, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций: **не имеются**

м) налогообложение получаемого инвестором дохода по приобретенным акциям: **согласно законодательства.**

## МАКТАБДА МУЧАЛ ТЎЙЛАРИ

***Халқимизга хос бўлган удумлардан бири мучал тўйларидир. Айниқса, илк мучал ёшини қаршилаётган болажонлар учун бу айёмнинг ҳосияти катта.***

Боиси, улар шу кундан бошлаб ўсмирлик сари қадам қўйдилар.

Оққўрғон туманидаги 2- ва 3-мактабларда нишонланган ўқувчиларнинг мучал тўйлари барчага завқ-шавқ улашди. Шу куни маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликда ҳар иккала мактабда байрам дастурхони ёзилди. Аълочи ва зукко ўқувчиларга туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЭЛ ХИЗМАТИГА БЕРИЛДИ

***Қибрай туманидаги Мустақиллик маҳалласида савобли ишга қўл урилди.***

Бу ерда бир неча йилдан бери қаровсиз ҳолда ётган ҳамширалик пункти биноси қайта таъмирланиб, эл хизматига берилди.

Эндиликда бу ерда ҳамширалик хизматлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур шароитлар етарли. Иншоотни таъмирлашда тумандаги «Мева-шарбат» шароб ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ўзининг беғараз ёрдамини аямади. Масканни тиббий анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминлашни эса, туман марказий поликлиникаси ўз зиммасига олди.

**Шерали РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

Соғломжон-полвонжон

## «ҚАЛДИРҒОЧ»НИНГ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛСИН

***Вилоятимизда «Соғлом авлод» давлат дастурини бажариш, мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчиларни жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш ишларига жалб қилиш, болалар ўртасида дўстлик, биродарлик фазилатларини шакллантириш борасида ҳар йили «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.***





Жумладан, бундай спорт ўйинлари Зангиота туманидаги барча мактабгача таълим муассасаларининг кичикинтойлари ўртасида ҳам ўтказилиб, туман босқичида қатнашувчи вакиллар аниқланди.

Шу йил 5-май куни туман марказий истироҳат боғида бўлиб ўтган туман финал босқичида Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги 31-боғчанинг «Қалдирғоч», «Назарбек»даги 2-болалар муассасасининг «Оққуш», Иттифоқдаги 20-боғчанинг «Қуёшжон», Хонободдаги 8-боғчанинг «Бойчечак», Эшонгузардаги 30-боғчанинг «Қувноқлар» жамоалари ўзаро беллашдилар. Олти шарт бўйича қизғин кечган мусобақаларда биринчи ўринни «Қалдирғоч» жамоаси эгаллаб, вилоят ҳудудий босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўринни «Қуёшжон» жамоасини ташкил этган болажонлар эгаллаган бўлсалар, учинчи ўрин «Қувноқлар» жамоасига насиб этди.

Мусобақани «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлими, халқ таълими бўлими, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман кенгаши ташкиллаштириб, ўйинларга қатнашган болажонларга совғалар улашдилар.

Шунингдек, ғолиб жамоаларга ташкилотчиларнинг ҳамда «Нодир» хусусий фирмасининг махсус совринлари берилди.

**Камолиддин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлими раиси Шоира Отабекова ғолибларни тақдирламоқда; тадбирдан лавҳа.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

## "ПАХТАКОР": ЧОРАК ФИНАЛГАЧА БИР ҚАДАМ



***Футбол бўйича қитъамиздаги клубларнинг энг нуфузли мусобақаси - Осиё чемпионлар лигасида иштирок этаётган "Нефтчи" ва "Пахтакор" жамоалари Эроннинг "Сепахон" ва "Зоб Аҳан" футболчиларига қарши навбатдаги тур учрашувларини ўтказди.***

4 май куни Фарғонада "Нефтчи" футболчилари "Сепахон" билан куч синашди. Жамоаларнинг Эронда бўлган биринчи тур учрашувида мезбонлар 4:0 ҳисобида ғалаба қозонганди. Гарчи фарғоналиклар кейинги босқичга чиқиш имкониятини қўлдан бой берган бўлса-да, юртимиз футбол мухлислари "Нефтчи"дан ўз майдонида ғалаба кутганди. Бироқ Юрий Саркисян шогирдлари яна ишончни оқламади. Эронликлар Фарғонадан уч очко билан қайтди - 1:3.

Фарғоналиклардан фарқли ўлароқ, "Пахтакор" футболчилари чемпионлар лигасида ҳам муваффақиятли иштирок этаётгани боис аксарият ҳамюртларимизнинг эътибори пойтахт жамоаси ўйинига қаратилди. "Пахтакор" Исфаҳонда кечган биринчи учрашувда "Зоб Аҳан"дан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраганди.

"Пахтакор" билан бир гуруҳдан жой олган "Ар-Риффа" (Баҳрайн) жамоасининг чемпионлар лигаси ўйинларидан бош тортиши вазиятни анча чигаллаштириб юборганди. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, "Пахтакор" учрашувда ғалаба қозонса, чорак финалга чиқиш имконияти ошарди. "Зоб Аҳан" ҳам бу учрашувда фақатгина ғалаба учун майдонга тушди.

Хуллас, юзага келган вазият ўйиннинг анча кескин ва муросасиз ўтишига сабаб бўлди. Беллашув тенг курашлар билан бошланди. Биринчи бўлимнинг ўрталарида пахтакорчилар ташаббусни ўз томонига оғдирди. Уюштирилган қатор ҳужумлар бесамар кетмади. 27-дақиқада "Пахтакор" ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Леонид Кошелев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очди - 1:0.

Ўйиннинг иккинчи ярмида эронликлар ҳисобни тенглаштириш илинжида ҳужум уюштиришга ҳаракат қилди. Лекин улар "Пахтакор" ҳимоясини ёриб ўтолмади. Айрим вазиятларда дарвозабон Игнатий Нестеров маҳоратини намойиш қилиб, хавфли зарбаларни бартараф этди. Ўз навбатида "Пахтакор" ҳисобни йириклаштириш учун ҳужумни тўхтатмади.

Баҳснинг сўнгги дақиқасида "Зоб Аҳан" футболчилари жарима майдончаси яқинида қоидани бузди. Леонид Кошелевнинг кучли зарбасини рақиб дарвозабони бир амаллаб қайтарди. Аммо қайтган тўпни иқтидорли ҳужумчи Марат Бикмаев дарвозага жойлаб қўйди - 2:0. Сўнгги сониягача мағлубиятдан қутулиб қолишга уринган эронликлар, охир оқибат "Пахтакор"нинг ғалабасини тан олишга мажбур бўлди.

Аксарият футбол мутахассислари ва мухлислар "Ар-Риффа"нинг мусобақадан чиқиб кетиши туфайли юзага келган вазият "Пахтакор"га қўл келиб, асосий рақиб устидан қозонилган ушбу ғалабадан сўнг тошкентликлар чорак финал йўлланмасини нақд қилишини таъкидлаганди. Чунки футбол қонун-қоидаларига биноан шу пайтгача мусобақа якунланмасдан ундан бош тортган жамоага қолган учрашувларда 3:0 ҳисобида техник мағлубият ёзилган ёки олдин қайд этилган натижалар бекор қилинган.

Кўпчилик эса Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) "Ар-Риффа" масаласида ана шу икки йўлнинг биридан боришини кутганди. ОФК баҳрайнликларга техник мағлубият ёзса ҳам, улар иштирокида учрашувлар натижасини бекор қилса ҳам, пахтакорчилар фойдасига эди. Чунки асосий рақиблар - "Зоб Аҳан" ва "Қатар спорт клуби" ўзаро ўйинларда кўп очко йўқотгани боис, "Пахтакор" эронликларни ютса, улар ўзбекистонликларга етолмай қоларди. Лекин ОФК тартиб-интизом қўмитаси тарихда ҳеч ким кутмаган қарорни қабул қилди.

Ўзбекистон футбол федерациясидан маълум қилинишича, ОФК "Ар-Риффа"нинг "Пахтакор" билан иккита ва "Қатар спорт клуби" билан ўтказилиши лозим бўлган битта учрашувига 0:0 ҳисобидаги дуранг натижа беришга қарор қилган. ОФКнинг бу хатти-ҳаракати яна кўпчиликни эсанкиратиб қўйди, гуруҳдаги чигал вазиятни янада мураккаблаштирди. Чунки ҳали футбол тарихида ўйналмаган ўйинга 0:0 ҳисоби расмийлаштирилган ҳолат умуман кузатилмаган.

Энди агар ОФК ўзининг қарорини яна ўзгартирмаса, "А" гуруҳидан қайси жамоа чорак финалга чиқиши сўнгги турда, яъни Қатарда бўладиган "Қатар спорт клуби" - "Пахтакор" учрашувида ҳал бўлади. Ҳозирча, "Пахтакор" футболчилари учта учрашувдан иккитасида ғалаба қозониб, олти очко билан биринчи ўринда бормоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

***Футбол бўйича вилоят 13-чемпионатига старт берилди. Унинг тантанали очилиш маросими Тошкент давлат аграр университети стадионида бўлиб ўтди.***

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда университет раҳбарияти томонидан спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Янги, замонавий тарзда қурилган спорт мажмуаси фикримизнинг далилидир. Шундай қилиб, навбатдаги футбол мавсуми «ТошДАУ» ва «Жасорат» жамоалари учрашуви билан бошланди. «Оҳангарон» ва Оққўрғоннинг «Шоҳруҳия» жамоалари беллашуви 3:1 ҳисоби билан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. «Акмал» ўз майдонида «Цементчи»ни қабул қилиб, 4:3 ҳисобида зафар қучди. «Олмалиқ» ҳамда «Динамо» (Бўка) жамоаларининг учрашуви дуранг (1:1) билан якунланди. «Кимёгар» футболчилари «Олимпиячи» (Красногорск қўрғони) устидан 2:0 ҳисобида устун келди. «Ангрен» эса «Металлург»га 3:2 ҳисобида ўйинни бой бериб қўйди.

Навбатдаги тур ўйинлари 8-9 май кунлари бўлиб ўтади.

Унда «Қибрай» — «Ангрен», «Металлург» — «Оҳангарон», «Шоҳруҳия» — «ТошДАУ», «Жасорат» (Қибрай) — «Олмалиқ», «Кимёгар» — «Акмал» жамоалари ўртасидаги учрашувлар бўлиб ўтади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

# ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи юзасидан жойларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилмоқда.***

Яқинда республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда Тошкент вилояти педагогика институтида шу мавзуга бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди. Институт ўқитувчилари ва талабалари «Миллатлараро тотувлик – мамлакат тараққиётининг муҳим омили», «Диний мутаассиб оқимлар ва улардан ёшларни ҳимоя қилиш» мавзуларида маърузалар тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Шунингдек, Ангрен шаҳар фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлари ва ёшлар вакиллари ҳузурида ҳам Юртбошимиз нутқидан келиб чиқиб, мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фуқароларнинг иштироки ва роли, айниқса, терроризмга қарши курашда ҳеч ким четда турмаслиги, огоҳликка даъват бўйича амалий суҳбатлар уюштирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# «ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН»

***Янгийўл шаҳар технология-иқтисодиёт коллежида ана шу номдаги танлов ўтказилди.***

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги коллеж ва академик лицейлар талабалари ўртасида ўтказилган ушбу танловнинг якуний натижаларига кўра, Чирчиқ шаҳар хизмат кўрсатиш коллежи талабаси С. Бердиёрова биринчи, Ангрен академик лицейи талабаси М. Мамарасулов ҳамда Бекобод педагогика коллежи талабаси Н.Зокирова иккинчи, Янгийўл технология-иқтисодиёт коллежи талабаси З.Шарипов учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## Сўнгги устун

### ИҚЛИМ ИСИМОҚДА



Европада иқлимнинг ҳарорати йил сайин кўтарилиб бормоқда. Швейцариялик олимлар қитъада шу соҳани тадқиқот қилиш бўйича маълумотларни эълон қилдилар. У ўтган йил ёзи сўнгги 500 йил давомида энг иссиқ бўлганлигини кўрсатди.

Олимлар Европанинг турли минтақаларида ўтказилган ўлчов натижаларини ўрганиб қуйидаги хулосага келдилар: бу ҳудудда иқлим муттасил исиб бормоқда, сўнгги ёз эса жуда иссиқ бўлди. 2003 йил ёзида ҳарорат ортиши билан боғлиқ бўлган турли сабаблардан 19 минг нафардан ортиқ киши вафот этган.

### ЭНГ ЗАРАРЛИ ШАҲАР

Mercer Нуман Resonrce Consulting жаҳон мамлакатларидаги турмуш даражасини тадқиқот қилиш ишларини олиб борди ва бунинг натижасида энг яхши ва ёмон шаҳарларни аниқлади. 215 та мамлакатда аҳолининг турмуш даражасини аниқлаш учун сўнгги бор ўтказилган тадқиқотлар натижасида яшаш учун энг яхши шаҳарлар рўйхатида Цюрих биринчи ўринни эгаллаган, Женева иккинчи ўринга қўйилган, Швейцария пойтахти Берн эса олтинчи ўринга лойиқ деб топилган.

Канададаги Калгари курраи заминнинг энг тоза шаҳри, Озарбойжон пойтахти Боку эса, саломатлик учун энг ноқулай шаҳар бўлиб чиққан.

Таҳлил ҳар бир шаҳар учун турмуш даражасининг 35 та мезони бўйича олиб борилган. Бунда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий омиллар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шахсий хавфсизлик, соғлиқни-сақлаш, таълим, транспорт ва ҳоказолар ҳисобга олинган.

### МЕРОС БЕРИЛМАДИ



«Ит меросхўр бўла олмайди» — Берри номли итнинг янги эгаси шикоятини кўриб чиққан немис судлари шундай хулосага келганлар.

Мюнхенда истиқомат қилувчи бир фуқаро бойлигининг меросхўрлари бўлувчилари сафига итини ҳам қўшган эди. Бироқ кекса аёл вафот этгач жониворга ҳеч нарса тегмади.

Унинг янги эгаси бошқа беш нафар меросхўрнинг хатти-ҳаракатини ноқонуний ҳисоблаб, судга мурожаат қилганида унга рад жавоби берилди. Судья ўз қарорини, ит «ҳуқуқини билмайдиган ҳайвон» деб изоҳлади.

## Bolalik bog`i

### YORDAMCHILAR

*«Paq» etdi-da yorildi*
*Mashinaning balloni.*
*Haydovchi jig`ibiyron*
*Orttirib shu baloni.*

*Shunda biz chopib borib,*
*Shofyor bilan so`rashdik.*
*Qo`limizni qilib moy,*
*Gaykalarin burashdik.*

*Yirtiq ballon o`rniga*
*Darrov yangisin soldik.*
*So`ngra keng kabinaga*
*Bir sakrab chiqib oldik.*

*Shofyor rulni boshqardi,*
*Motor ham «gur-gur» etdi.*
*Sevinib chapak chaldik,*
*Mashina yurib ketdi.*

**Ne`mat DUSHAYEV.**

## Қатра



# ОНАСИ БОРЛАР ҚАРИМАЙДИ

Қишлоқда биринчи бўлиб бизнинг ҳовлимизда лолалар очиларди, райҳон бўй кўрсатарди. Қирмизи, сариқ, пушти атиргулларнинг анбар бўйи бутун ҳовлини тутиб кетарди. Гулларни яхши кўрардингиз, эрта баҳордаёқ енгингизни шимариб томорқага тушардингиз. «Болаларимнинг ризқи шу ерда» дея, тонг ғира-ширасида кетмонни елкага олардингиз. Сўнг давлат иши — мактабга чопардингиз. Ўзингиз билан бирга ўн бир жоннинг ташвишини шу кичкина жуссангизга қандай ортмоқлаган экансиз-а? Саккиз боланинг дардини, қувончу ташвишларини қайси тоғ юрагингизга сиғдира олдингиз?! Ахир шундай тўкин кунларда ҳам эр-хотин бўлиб икки-учта болани «боқолмаяпман», деб нолиётганлар қанча?

Ёлғиз ўғлидан эрта айрилиб, «майда гап» бўлиб қолган энам — қайнонангизнинг қариб, боладай эрка бўлиб кетган, кўнглига кўпроқ қараганингиз учун сизни деган бувим - онангизнинг инжиқликларини муштдай юрагингизга қай ҳолда жойлолдингиз, юраклари тоғим менинг! Қайнонангиз-у, онангизни бирдай кўриб, янги чиққан сархил мевалардан, ҳандалагу қовунлардан олиб келиб, икки кампирни болаларингиздай эркалаб, егизганингиз ҳамон ёдимда. Қайнонангизга бўлган муносабатингизни эслаб, қайноналарига бир пиёла чойни раво кўрмайдиган келинлар ҳақида ўйлайман. Дадам энамнинг якка-ю, ёлғиз фарзанди эди. Амакиларининг болаларини қайниларим, дея то ҳаётингиз сўнгигача иззат-икром қилганингизни кўплар ҳали-ҳануз гапиришади. Ахир бугун акадан укани, онадан ўғилни бездираётган дилозор келинлар йўқ дейсизми. Ҳар икки кампир ҳам то ўла-ўлгунча меҳрингиз учун сизни дуо қилиб ўтишди. Иродангиз, ёруғ кунларга бўлган сўнмас умидингиз, сабру бардошингизга кўп бора лол қолганман. Саккиз фарзандни ўқитиб, ҳунарли қилдингиз. Йўқни йўндириб, беш қизни ўз жойига қўндириб, уч ўғилни уйлаб, ўзингиз айтгандай «ватанли» қилдингиз. Бир забардаст эркак эплаб юролмайдиган ҳаётнинг бу нотекис сўқмоқларидан матонат билан ўтолган менинг жаннати онам!

Нурли сиймоингизни, меҳрибон нигоҳларингизни бир умрга йўқотиб қўйганимизга ҳам икки йил бўлибди. Гўё икки асрдай! Изларингизни излаб, суҳбатларингизни соғиниб, овозларингизни эшитиш учун неча бор ахтариб бордим, ичикиб бордим...тополмадим! «Онаси бор одамлар қаримайди», дейишади. Икки йилдирки, опаларим, акам, синглиму, укаларим, ўзимнинг сочларимдаги оқлар кўпайиб қолгандай туюлади менга.

Тенги йўғим онажоним! Кеча ўғилларингиз бошингизга ёдгорлик тошини қўйишди. Сизнинг ёруғ чеҳрангизни, пурмаъно сўзларингизни қайта-қайта хотирладик. «Сизлар билан фахрланаман», дея жиндек ютуқларимиздан кўзларингиздаги қувонч ёшларини артардингиз. Беш қизнинг ҳар бирига сирдош, дарддош эдингиз. Ҳар биттамизга айтар сўзингиз бор эди. Дийдорлашсак, то тонгга қадар гапларимиз тугамасди.

Бугун сиз юрган йўлларда юриб, сиз сўзлашган одамлар, дугоналарингиз билан учрашаман. Онамни кўрганлар, онамни дугоналари дея уларни эъзозлайман. Катта-ю, кичик сиз ҳақингизда «Қандай аёл эди-я!», дея фақат илиқ сўз айтишади. Сиз ҳамиша кўпларнинг юрак дардига малҳам бўлиб, доно маслаҳатларингиз билан тўғри йўлга бошлагансиз. Бир этак болаларингиздан орттириб, етимларнинг бошини силагансиз. Буни ҳалигача одамлар эслашади.

...Изларингиз қолиб кетган жаннатдек ҳовлимизда яна райҳонлар бўй чўзди. Сиз севган райҳонлар. Назаримда, икки йилдирки, райҳонлар биз қизларингиз каби сизни соғиниб йиғлаётгандай.

**Ойсара ДАДАЕВА.**

# "БМВ" Ўзбекистон бозорида

***Sanar Motors Ltd компанияси Германиянинг BMW AG концернининг Ўзбекистондаги расмий импортчиси бўлиб, уни Ўзбекистоннинг икки фирмаси таъсис этган.***



Компания 2003 йилда Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш доирасида ташкил этилган. Мамлакатимизда биринчи марта бу компания "Showroom" автосалони ва "BMW Service" техник хизмат кўрсатиш станциясини тақдим этмоқда.

Барча янги автомобилларга юриш масофаси чекланмаган ҳолда 2 йилга кафолат берилади.

Техник хизмат кўрсатиш маркази BMW AG концерни томонидан тақдим этилган энг замонавий ускуналар ва махсус асбоблар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида ҳар қандай таъмирлаш ишларини қисқа муддатда халқаро сифат стандартларига мувофиқ амалга ошириш мумкин. Бу станция мутахассислари концерн ўқув марказларида ўқиб, сертификат олишган.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ

***9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейининг кўргазмалар залида меҳнат фахрийси, рассом Ваҳоб Зиёевнинг "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.***

Мўйқалам соҳибининг намойиш этилаётган суратлари ўзининг ҳаётийлиги, бадиий пухталиги, бўёқлар жозибадорлиги билан ажралиб туради. Унинг "Анорзорда", "Какликлар ишқибози", "Бойсунда оқшом", "Фотима ва Зуҳра" каби асарлари шулар сирасига киради.

Ваҳоб Зиёевнинг ижоди нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам яхши маълум. Улар Германия, АҚШ, Норвегия, Исроил, Туркия ва Италия каби мамлакатлар тасвирий санъат ихлосмандларининг хусусий йиғилмаларида сақланмоқда.

**ЎзА.**

**Об-ҳаво** Тошкент вилояти

**8 май**

Кечаси +7...+12

Кундузи +18...+23

Хусусий тадбиркор «Ахмедов» музқаймоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган **«ФРЕЙЗЕР»** ускуналарини **СОТАДИ.** **Маълумот учун телефон: 195-16-75.**

Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлиги томонидан берилган «PIKACHU» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги шўъба хўжалик жамиятига қарашли «Электроназоратавтоомашқурилиштаъминоти» **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади. Телефон: 61-48-58.

Бекобод туманидаги «STAL-MONTAJ» шахсий қурилиш корхонасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-648. Адади 5887. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 2 3 4 5 6